

## ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР (АКЦИЯЛАР МИСОЛИДА)

Акциядорлик жамиятининг кўчар мулки ҳисобланган қимматли қоғозлар жамиятнинг иқтисодий асосини ташкил этади ва унинг ривожланишида, капиталининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Қимматли қоғоз бу – қонунда белгиланган тартибда чиқарилган ва номинал қийматга эга бўлган, эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи, дивидент ёки фоизлар кўринишида даромад олишни кўзловчи, эмиссия қилувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги ўзаро мулкӣ муносабатларни билдирувчи, бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пулли ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонди биржаси тўғрисида”ги 1991 йил 15 февраль қонуни 3-моддаси талабларига кўра қимматли қоғозларнинг акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, векселлар, қимматли қоғозлар хосилалари каби турлари мавжуд.

Республикамизда энг кўп тарқалган қимматли қоғоз бу акциялардир. Бу қимматли қоғоз тури бевосита акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилади. Акциядорлик жамиятлари акциялар, облигациялар, векселлар ва хосилавий қимматли қоғозлар чиқаради<sup>1</sup>.

2007 йил 24 июлдан факат очик акциядорлик жамиятлари корпоратив облигациялар чиқариши мумкин<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида акцияга қуйидагича тариф берилган.

Акция бу – акциядорлик жамияти устав фондига юридик ва жисмоний шахслар муайян ҳисса қўшганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулки ва қоида

---

\* ТДЮИ магистранти

1 Абдуллаев Ё., Шоҳаъзамов Ш. Қимматли қоғозлар. –Тошкент,. Мехнат 1997. –Б.58.

2 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007, 29-30-сон, 297-модда.

тариқасида ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир<sup>3</sup>.

Акция тушунчаси турли мамлакат қонунларида унинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда тариф берилганлигини кузатиш мумкин. масалан, Россия Федерациясининг Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги 1996 йил 22 апрелда қабул қилинган қонунинг 2-моддасида акция эмиссия қилинадиган қимматли қоғоз бўлиб, унинг эгаси (акциядорга) акциядорлик жамиятининг фойдасидан дивидент шаклида фойда, акциядорлик жамиятини бошқариш ва у тугатилаётганда унинг мол мулкни бир қисмини олиш ҳуқуқини беради деб тариф берилган<sup>4</sup>.

Тожикистон Республикасининг 1998 йил 22 майдаги “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида акцияга берилган тарифда ҳам унинг АЖ фойдасидан дивидент олиш, бошқарувда иштирок этиш ва тугатилаётганда мол-мулкдан улуш олиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз сифатида тарифланади<sup>5</sup>.

1992 йил 12 мартда қабул қилинган Беларус Республикасининг Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунининг 3-моддаси акцияга яхлит тариф бермасдан унинг турларига тариф беришга ҳаракат қилади<sup>6</sup>.

Туркменистон Республикасининг 28 декабрь 1993 йилги Туркменистонда қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида акцияга берилган тарифда дивидент шаклида фойда олиниш ҳолатига эътибор қаратилмайди<sup>7</sup>.

Бу ерда МДХ давлатларининг қонунчилигига эътибор беришимиздан асосий мақсад уларнинг қимматли қоғозлар бўйича амалиёти ва қонунчилиги республикамиз билан деярли бир хил пайдан бошланган. Фақатгина унга бўлган эътибор ва ҳуқуқий нуқтаи назар маълум бир давлат қонун ижодкорлигидан келиб чиққан.

Акциялар ҳақида турли илмий фикрлар илгари сурилган. Ю.Назаров акцияга қонунчиликдан келиб чиқиб тариф беради<sup>8</sup>. Айрим муаллифларнинг фикрича акция қимматли инвестицион қоғоз

3 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, N 9, 325-модда

4 Қаранг: <http://www.rcb.ru>

5 Қаранг: <http://www.tajik-gateway.org/index>.

6 Қаранг: <http://www.tajik-gateway.org/index>. <http://www.centraldepo.by/doc/>

7 Қаранг: <http://www.tajik-gateway.org/index>. <http://www.tax.gov.tm/russian/law>

8 Қаранг: Назаров Ю. Правовые аспекты обращения ценных бумаг в гражданском обороте. — Ташкент, Хозяйство и право. 2004,

бўлиб, у эгаси акцияларининг жамият устав фондида қатнашиш ҳуқуқини тасдиқлайди ҳамда уларга мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни беради<sup>9</sup>.

Акция эгасининг акциядорлик жамиятида мавжуд улушини тасдиқловчи ва унинг фаолиятидан фойда олиш ҳамда жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз акция тушинчасини беради<sup>10</sup>.

Акция бу акциядорлик жамияти чиқарган қимматли даромад келтирувчи қоғоз бўлиб, уни чиқариш тўғрисида қарор жамият муассислари томонидан ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятига башарти бу унинг уставида назарда тутилмаган бўлса сотилиши мумкин эмас.

Акция ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа турдаги қимматли қоғозлардан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Жумладан:

- акцияда унинг амал қилиш муддати кўрсатилмайди, бу муддат уни чиқарган жамият фаолиятининг муддати билан ўлчанади.

- агар акциядорлик жамияти банкротлик натижасида тугатилса, у ҳолда акция эгаси шу жамият кредиторларидан қолган пул маблағларини ўз улушига мос равишда қайтариб олиш ҳуқуқига эга<sup>11</sup>.

- акция (имтиёзли акциядан ташқари) ўз эгасига жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз бериш ва шу асосда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

- акция белгиланган тартибда ўз эгасига жамият хизматларидан ва ишлаб чиқарган маҳсулотлардан имтиёзли равишда фойдаланиш ҳамда жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини беради.

- акция белгиланган тартибда ўз эгасига жамият соф фойдасидан дивидент олиш ҳуқуқини беради.

- бошқа қимматли қоғозлар (облигация, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлар) амалда кредит куроли

---

9 Қаранг: В.И.Витрянский «Провие основы перехода к рыночным отношениям Аренда, Акционерное общества придприимательство, защита прав предприятий» -М.: Экономика и право, 1991, -Б. 294.

10 Абдуллаев Ё, Шоҳаъзамов Ш. «Қимматли қоғозлар» -Тошкент., «Мехнат» 1997. –Б. 75.

11 Акциялар эгаларининг талаблари бешинчи навбатда сондирилади. (Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 134-моддаси).// "Собрание законодательства Республики Узбекистан", 2003 г., N 11, ст. 81.

бўлиб, кредит муносабатларини мувофиқлаштиради. Акция эса кредит муносабатларига алоқаси йўқ.

- акция (имтиёзли акциядан ташқари) ўз эгасига жамиятнинг бўлажак эмиссия акцияларидан сотиб олиш ҳуқуқини берди.

- акциялар маълум иқтисодий шароитларда ликвидлилик хусусиятига эга бўлиб, ўз эгаларига эркин бозорда фойда олиш мақсадида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

- очиқ акциядорлик жамияти акциялари бошқа акциядорларининг розилигисиз қўлдан қўлга берилиши мумкин. Ёпиқ акциядорлик жамияти акцияларида эгаси исми ёзилган бўлиб, уларни бошқа шахсларга бериш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

- ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорлари акциялар ўрнига акция номинал нархига тенг суммага сертификатлар (гувоҳномалар) бериши мумкин.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида акцияларнинг турлари ва хиллари кўрсатиб ўтилган.

Акцияларнинг имтиёзли ва оддий турлари мавжуд. Шу билан бирга акцияларнинг 2 хил кўриниш (эгаси ёзилган акциялар, эгаси ёзилмаган акциялар) лари мавжуд.

Акцияларнинг турлари ва хиллари унинг эгалари лигитимация<sup>12</sup> қилиш усуллариغا, акцияларни бериш тартибига, акциядорлар ҳуқуқ доираси в.х.к.га қараб белгиланади. Лигитимация ва акцияларни бериш тартибига қараб, акциялар эгаси ёзилган ва эгаси ёзилмаган акцияларга бўлинади.

Эгаси ёзилмаган акцияларни чиқариш учун устав фондидаги тўланган миқдорга қараб чиқилади ва уни сақловчи шу акция эгаси ҳисобланади. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият акциядорлари реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилади.

Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорлари реестрига киритилган жисмоний ва юридик шахслар эгаси ёзилган акция соҳиби бўлиши мумкин. Шунинг эътиборига олиш керакки, қонунчиликда одатда эгалик деган сўз ишлатилади. Лекин акция унинг ҳусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлсада, қимматли қоғоз эгаси жамият мулкига ҳусусий эгалик қилиш ҳуқуқига эга

---

12 Лигитимация – бу ҳуқуқни белгилаш тан олиш маъносини беради.

эмас. Жамият мулки эгаси жамиятнинг ўзидир<sup>13</sup>. Айнан ушбу ҳолат Е.А.Суханов ва Ж.Юлдашев асарларида учрайди<sup>14</sup>.

Шундай қилиб номи ёзилган акциялар сохибининг номи жамият акциядорлари реестрида расмийлаштирилган бўлиши керак. У ўз акциясини сотишда акциядорлар реестрига киритиш лозим бўлади.

Эгаси ёзилмаган акция эгаси бошқа шахсга утказишдаги ҳолат оддий процессдир. Амалиётда бу акцияларни айланиши тез, чунки буларни сотиш ва сотиб олиш сотиб олувчига қўлайлик туғдиради. Лекин бу акция эгаларини бошқариш анча мураккабдир. Масалан бу акция эгаларидан солиқ олиш мураккабликларни келтириб чиқаради.

Эгаси ёзилмаган акция эгалари ўз акцияларини учинчи шахсларга совға қилишлари, сотишлари ва гаровга қуйишлари мумкин, шунинг учун ҳам илмий адабиётларда қимматли қоғозлар қимматли қоғоз сифатида тегишлича олди-сотди, омонат саклаш, ҳада шартномаси ва гаров объекти бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ акцияларнинг имтиёзли ва оддий каби турлари мавжудлиги белгиланган.

Одатда акциялар нафақат дивидент олиш ҳуқуқи ва жамият тугатилаётганда қилинаётганда ўзига тегишли мулкни олиш шу билан бирга акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини ҳам беради.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддаси талабига биноан оддий(одатдаги) акциялар ўз эгасига овоз бериш ҳуқуқини бериб, уларнинг эгаларига дивидент олиш жамиятнинг умумий йиғилишида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Оддий акциялар кўп тарқалган акция тури ҳисобланиб, айрим ҳолларда жамиятнинг барча акцияси оддий акция сифатида чиқарилиши мумкин.

Жамият имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар, агар ушбу Қонунда ёки жамият уставида жамиятнинг

---

13Қаранг: Лаптев В.В. «Акционерное право» -М.: 1999, -Б. 58.

14Қаранг: Гражданское право. Т.1. Отв.ред. Е.А.Суханов -М.: БЕК. 1998. -518 б., Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент, ТДЮИ. 2004.

муайян турдаги имтиёзли акциялари учун бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

Жамиятнинг бир турдаги имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлмиш акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва одатдаги акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Жамият тугатилган тақдирда ҳар бир турдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар ва (ёки) қийматнинг (тугатилиш қийматининг) миқдори жамият уставида белгилаб қўйилиши лозим. Дивиденд миқдори ва тугатилиш қиймати қатъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва тугатилиш қийматини аниқлаш тартиби жамият уставида кўрсатилган бўлса ҳам улар белгиланган ҳисобланади. Дивиденд миқдори белгиланмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари билан барабар дивидендлар олиш ҳуқуқига эга.

Агар жамият уставида икки ва ундан ортиқ турдаги имтиёзли акция назарда тутилган бўлса, жамият уставида имтиёзли акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар ва тугатилиш қийматини тўлаш навбати ҳам белгиланган бўлиши керак.

Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича миқдори уставда белгиланган бўлиб, тўланмаган ёки ҳаммаси тўланмаган дивиденд жамғариб борилиши ва кейинчалик тўланиши (кумулятив имтиёзли акциялар) жамият уставида белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг оддий (одатдаги) акциялар ёки бошқа турдаги имтиёзли акцияларга эркин айирбошланиши мумкинлиги ва шартлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар. Муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига шу турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш

ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек бошқа турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларга дивиденд ва (ёки) акциянинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини оладилар.

Дивиденд миқдори жамият уставида белгилаб қўйилган муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар, кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларни истисно этганда, ана шу турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ана шу акциялар бўйича жамғарилиб қолган дивидендларни тўлиқ миқдорда тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлган-у, аммо бундай қарор қабул қилмаган ёхуд дивидендларни тўлиқ миқдорда тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан эътиборан умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгаси бўлмиш акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича жамғарилиб қолган барча дивидендлар тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Агар жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларни одатдаги акцияларга айирбошлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, жамият устави бу турдаги имтиёзли акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин. Бунда ана шундай имтиёзли акция эгаси ўзига қарашли имтиёзли акция айирбошланиши мумкин бўлган одатдаги акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган миқдорда овозларга эга бўлади.